

ТОШКЕНТДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ DSc.28.12.2017.I.16.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИЖОНОВ УТКИРЖОН МАХАМАДАЛИЕВИЧ

МЕХНАТ БОЗОРИДА КАСБ-ҲУНАР МАЪЛУМОТЛИ
КАДРЛАРГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.10 - Демография. Мехнат иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по медицинским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on medical sciences**

Алижонов Уткиржон Махамдалиевич

Меҳнат бозорида касб-ҳунар маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжни
шакллантириш усулларини такомиллаштириш..... 3

Алижонов Уткиржон Махамдалиевич

Совершенствование методов формирования потребности в кадрах с
профессиональным образованием на рынке труда 27

Alijonov Utkirjon Maxamadaliyevich

Improving the methods of formation of needs for personnel with
vocational education in labor market 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

ТОШКЕНТДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ DSc.28.12.2017.I.16.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИЖОНОВ УТКИРЖОН МАХАМАДАЛИЕВИЧ

МЕХНАТ БОЗОРИДА КАСБ-ҲУНАР МАЪЛУМОТЛИ
КАДРЛАРГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.10 - Демография. Мехнат иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Iqt169 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tdiu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Худойбердиев Зайниддин Явқочевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Умурзоқов Баходир Хамидович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Эшпўлатов Комилжон Абдисаломович
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.28.12.2017.I.16.02 рақамли илмий кенгашининг 2019 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил:100003, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-85; факс: (99871) 239-28-85; e-mail: tdiu@tdiu.uz

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил:100003, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tdiu@tdiu.uz

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги ___ - рақамли реестр баённомаси.)

Қ.Х.Абдурахмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, академик, и.ф.д.

Н.Т.Шаюсупова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.н., доцент

Ш.Р.Холмунинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Глобаллашув, шу билан бир қаторда дунёда технологик ривожланишнинг устуворлиги шароитида касб-хунар таълими тизимининг сифати ва самарадорлиги бир томондан иқтисодиёт тармоқларининг рақобатбардошлигини, иккинчи томондан эса аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири сифатида қаралмоқда. ЮНЕСКО маълумотларига кўра «жаҳонда ҳозирги вақтда иш жойларига эга бўлмаган 73 млн.дан ортиқ йигит ва қиз, меҳнат бозорига ҳар йили илк маротаба кириб келадиган 40 млн.дан ортиқ шахслар учун келгуси 10 йилликда камида 475 млн. янги иш ўринларини ташкил этиш зарурияти мавжуд»¹. Шу жиҳатдан ҳам давлатлар, хўжалик бирликлари ва таълим муассасалари томонидан касб-хунар маълумотли кадрлар тайёрлаш борасида мақсадли чора-тадбирлар кенг миқёсда амалга оширилмоқда.

Жаҳонда касб-хунар маълумотли кадрлар таълимини самарали ташкил қилиш, глобал ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда эҳтиёжни қондиришнинг самарали механизмлари ва услулларини ишлаб чиқиш (такомиллаштириш) бўйича кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, айниқса касб-хунар муассасаларида таълим сифатини ошириш, тайёрланаётган кадрлар касб ва мутахассисликлар таркибини иқтисодиётнинг реал сектори талабларига мувофиқлаштириш, мутахассислар тайёрлаш самарадорлигини оширишда вертикал ва горизонтал жиҳатдан тегишли ташкилотлар билан алоқаларни чуқурлаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Алоҳида таъкидлаш керакки, илмий изланишлар таркибида истиқбол талабларидан келиб чиққан ҳолда меҳнат бозорида кадрларга бўлган эҳтиёжни прогностлаштиришнинг методик таъминотини такомиллаштириш муҳим ўрин тутмоқда.

Мамлакатимизда меҳнат ресурсларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, малакали касб-хунар кадрлари сифат таркибини яхшилаш ва меҳнат бозорининг эҳтиёжига мувофиқ узлуксиз таълим тизимининг сифат ва самарадорлигини ошириш ҳамда меҳнат бозорининг рақобатбардошлигини таъминлаш ҳамда касб-хунар коллежлари тизимини тубдан такомиллаштириш ва таълим сифатини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида «Касблар ва мутахассисликларнинг мураккаблик даражасидан келиб чиққан ҳолда таълим дастурлари муддатини табақалаштирган ҳолда касбий таълимни ташкил этиш ва мақсадли кадрлар тайёрлаш тизимини кенгайтириш»² бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилди. Бу борада касб-хунар коллежлари фаолиятини самарали ташкил этиш ва шу асосда қабул квоталарини оптимал шакллантириш, касблар ва мутахассисликлар мураккаблигидан келиб чиққан

¹ Strategy for Technical and Vocational Education and Training (TVET), (2016-2021). – P.6.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-635-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Фармони.

ҳолда классификаторларни такомиллаштириш ва интеграциялаш ҳамда меҳнат бозорида эҳтиёж мавжуд бўлган касбларга банд бўлмаган аҳолини ўқитишда касб-ҳунар коллежлари базасидан самарали фойдаланиш юзасидан илмий-тадқиқотларни кенгайтириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сон «Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 3 февралдаги ПҚ-3504-сон «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 майдаги 391-сон «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-ҳунар таълими маркази тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Касбий таълим тизими, кадрларга бўлган эҳтиёжни прогностлаштириш масалаларини П.Ф.Анисимов, Б.С. Волков, К.Г.Кязимов, С.Д. Резник, Е.Л. Руднева, П.А. Степанов, И.Н.Шерер³ ва бошқа хорижлик олимлар тадқиқ этганлар.

Ўзбекистонда ҳам таълим, шу жумладан касб-ҳунар таълим соҳасини ислоҳ қилиш, касб-ҳунар таълими битирувчиларини ишга жойлаштириш масалалари атрофлича ўрганилган. Ушбу масалалар Қ.Х.Абдурахманов, Н.К.Зокирова, З.Я.Худойбердиев, Ш.Р.Холмўминов, К.З.Хомитов, Н.У.Арабов, Т.М.Магруппов, К.А.Эшпўлатов, Х.Ф.Рашидов⁴ ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган.

³ Анисимов П.Ф. Социально-экономические основы регионализации среднего профессионального образования. - М.: ООО «Издательский дом «Новый учебник», 2004. - 240 с.; Волков Б.С. Основы профессиональной ориентации: учебное пособие. Академический Проект, 2007. - 333 с.; Кязимов К.Г. Проблемы и пути совершенствования воспроизводства квалифицированных рабочих. Монография. – М.: Директ-Медиа, 2016. – 224 с.; Кязимов К.Г. Совершенствование профессиональной подготовки и развития человеческих ресурсов. Монография. – М.: Директ-Медиа, 2016. – 284 с.; Резник С.Д. Управление системой содействия трудоустройству молодежи: региональный аспект: монография. - Пенза: ПГУАС, 2009. - 144 с.; Руднева Е.Л. Формирование государственного заказа региональной системе профессионального образования: монография. - Кемерово: ГОУ КРИПО, 2009.-200 с.; Степанов П.А. Интеграция уровней образования как основа развития системы профессионального образования в регионе. - М.: Образование и Информатика, 2008. - 200 с.; Шерер И.Н. Социально-экономическая трансформация регионального молодежного рынка труда: монография. - М.: Зерцало-М, 2011. - 192 с.

⁴ Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт. Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган 3-нашри. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «FAN» нашриёт давлат корхонаси, 2019. – 592 б.; Абдурахманов Қ.Х., Зокирова Н.К. Человеческое развитие: учебник. - Т.: ФГБОУ ВПО «РЭУ им. Г.В. Плеханова», 2014. - 320 с.; Худойбердиев З.Я. Развитие системы подготовки кадров для сферы предпринимательства (на примере малого и среднего бизнеса): Автореферат диссертации на соискание ученой

Юқоридаги олимларнинг илмий ишларини таҳлил қилиш бевосита меҳнат бозорида касб-хунар маълумотли кадрларга эҳтиёж масалалари кам ўрганилганлигини кўрсатди. Ушбу муаммонинг долзарблиги ва етарлича ишлаб чиқилмаганлиги тадқиқот мавзусини танлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилди ҳамда унинг мақсади ва вазифаларини белгилаб берди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №А-2-29 «Меҳнат бозорининг самарали ривожланиш истиқболлари» амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади меҳнат бозорида касб-хунар маълумотли кадрларга эҳтиёжни шакллантириш усулларини такомиллаштириш ҳамда касб-хунар таълимини самарали ташкил қилиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари куйидагилардан иборат:

меҳнат бозорида касб-хунар маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжнинг методик-услубий жиҳатларини ёритиш;

касб-хунар маълумотли кадрларга эҳтиёжни шакллантириш омилларини таснифлаш;

касб-хунар маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжни шакллантириш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш ва улардан Ўзбекистон Республикасида фойдаланиш имкониятларини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикасида касб-хунар маълумотли кадрлар тайёрлаш ҳолатини таҳлил қилиш ва уларнинг ишга жойлашиши билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш;

меҳнат бозорида касб-хунар маълумотли битирувчиларга эҳтиёжни аниқлаш дастури параметрларини шакллантириш услубини таклиф этиш;

касб-хунар таълими тизимида иш берувчилар талабларини социологик жиҳатдан баҳолаш;

касб-хунар маълумотига эга кадрларга эҳтиёж мониторингини самарали ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

касб-хунар маълумотли кадрлар тайёрлашнинг давлат буюртмаларини шакллантириш механизмларини таклиф этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасида касб-хунар маълумотли кадрлар тайёрлаш жараёни олинди.

Тадқиқотнинг предметини мамлакат иқтисодиётининг касб-хунар маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжини баҳолаш ва прогноз қилиш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

степени доктора экономических наук. – Ташкент, 2002. – 44 с; Холмўминов Ш.Р., Хомитов К.З., Арабов Н.У., Бобаназарова Ж.Х., Ирматова А.Б. Меҳнат бозорининг самарали ривожланиш истиқболлари. Монография. – Т.: «Fan va technology», 2017. – 184 б; Магруппов Т.М., Алимова Х.А., Аликариев Н.С. Методика прогнозирования спроса на специалистов с высшим образованием. – Т.: Министерство высшего и среднего специального образования, 2000. – 94 с.; Эшпўлатов К.А. Замоновий иқтисодиётда меҳнат бозори ва касбий таълим узвийлигини таъминлашни такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2018.; Рашидов Х.Ф. Особенности развития среднего специального, профессионального образования в Узбекистане. - Т.: Фан, 2004. - 288 с.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қиёсий ва статистик таҳлил, тизимли, таркибий ва функциявий ёндашув, гуруҳлаш, таққослаш, умумлаштириш, социологик тадқиқотлар ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

минтақа (ҳудуд)-тармоқни уйғун ривожлантириш комплекс дастурлари, корхоналарнинг истиқболдаги ривожланиш кўрсаткичлари ва ходимлар таркибидаги сифат ўзгаришларидан келиб чиққан ҳолда меҳнат бозорида кадрларга бўлган эҳтиёжни прогнозлаштириш туман (шаҳар) ҳокимликлари қошида ташкил этиладиган ишчи комиссия томонидан амалга оширилиши асосланган;

касб-ҳунар коллежларини республика бошқарув ва хўжалик органлари, йирик корхона ва тижорат банклари тасарруфида ташкил этиш ҳамда меҳнат бозори талаблари асосида кўп тармоқли касб-ҳунар коллежларига қабул квоталарини шакллантириш тартиби ишлаб чиқилган;

Касб-ҳунар таълимининг йўналишлари, мутахассисликлари ва касблари классификатори ҳамда Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторини касблар ва мутахассисликлар мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда интеграциялаш асосланган;

меҳнат бозорида эҳтиёж мавжуд бўлган касбларга банд бўлмаган аҳолини ўқитишда (иккинчи ва ундан кейинги касблар) касб-ҳунар коллежлари базасидан самарали фойдаланиш ҳамда шахслар маблағлари ҳисобидан касб-ҳунар коллежларида тегишли касблар бўйича таълим олишларини кенгайтириш асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

турли таркибий даражалардаги меҳнат бозорларидаги талаб ва таклифнинг нисбатини белгилаб берувчи омилларни тизимлаштиришга нисбатан назарий ёндашувлар умумлаштирилган;

меҳнат бозорида касб-ҳунар маълумотли битирувчиларга эҳтиёжни аниқлаш дастури параметрларини шакллантириш услуби таклиф қилинган;

иктисодий, ижтимоий-демографик, ташкилий-техник, институционал ва ресурс омилларининг аҳамиятига аниқлик киритилган;

касб-ҳунар маълумотга эга кадрларга эҳтиёжни баҳолаш ва прогноз қилишга нисбатан услубий ёндашувлар тизимлаштирилган, ҳудуд ва тармоқнинг кадрларга эҳтиёжини прогноз қилиш вазифасини ҳал этиш учун методикалар турли гуруҳларидан фойдаланиш имконияти ва асосий камчиликлар аниқланган;

иш берувчиларнинг касб-ҳунар маълумотли кадрларга бўлган сифат эҳтиёжини аниқлашга қаратилган интернет саволнома ишлаб чиқилган;

касблар ва мутахассисликлар гуруҳлари кесимида меҳнат бозорининг касб-ҳунар маълумотли кадрларга эҳтиёжи аниқланган ва прогноз кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилган;

аниқланган прогноз баҳоларининг сифатини яхшилаш мақсадида касб-ҳунар маълумотли кадрларга эҳтиёж мониторингини амалга ошириш бўйича методик таъминот ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги кўлланилган ёндошувнинг илмий асослилиги, фойдаланилган материалларнинг Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Касб-хунар таълими марказининг расмий манбаалардан олингани ҳамда хулоса, таклиф ва тавсияларнинг ваколатли ташкилотлар фаолиятига жорий этилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мазкур тадқиқотда меҳнат бозорида касб-хунар маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш ва уни қондириш бўйича ишлаб чиқилган хулосалар ва таклифлар мавзу бўйича услубий аппаратни такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мазкур тадқиқотда меҳнат бозорида касб-хунар таълими тизимини оқилона ривожлантириш, унинг меҳнат бозори билан ўзаро ҳамкорлик қилишини таъминлаш ва қабул қилинувчи стратегик қарорларнинг сифатини ошириш имкониятларини очиб беришдан иборат. Кадрлар тизими мавжуд таркибий тузилмасининг талаб этиладиган тузилмадан фарқи камайтирилиши мамлакатда касб-хунар маълумотли кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш харажатларини камайтиради. Худуд ва тармоқлар учун касб-хунар маълумотли кадрларга эҳтиёж таркибини ҳисоблашнинг яратилган усуллари меҳнат бозорининг ҳолати ва таълим тизимининг ушбу минтақалар талабларига мослашиш имкониятини самарали баҳолаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Меҳнат бозорида касб-хунар маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжни шакллантириш усуллари такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

минтақа (худуд)-тармоқни уйғун ривожлантириш комплекс дастурлари, корхоналарнинг истиқболдаги ривожланиш кўрсаткичлари ва ходимлар таркибидаги сифат ўзгаришларидан келиб чиққан ҳолда меҳнат бозорида кадрларга эҳтиёжни прогнозлаштириш бўйича таклифлар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан меҳнат бозорининг жорий ва истиқболдаги иш ўринларини ташкил этиш ва кадрлар тайёрлаш давлат буюртмасини шакллантиришда фойдаланилган (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 25 октябрдаги 02-06/5728-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши натижасида ишсиз фуқароларни касб-хунарга ўқитиш квоталари йўналишлар бўйича аниқланган ҳамда Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОИСА) билан ҳамкорликда ташкил этилган касб-хунарга ўргатиш марказларида 2018 йилда давлат буюртмаси 2017 йилга нисбатан ортишига имкон яратилган;

касб-хунар коллежларини республика бошқарув ва хўжалик органлари, йирик корхона ва тижорат банклари тасарруфида ташкил этиш ҳамда меҳнат бозори талаблари асосида кўп тармоқли касб-хунар коллежларига қабул квоталарини шакллантириш тартиби бўйича таклифлар Вазирлар Маҳкамасининг «Касб-хунар коллежларига қабул квоталарини шакллантириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Касб-хунар таълими марказининг 2018 йил

26 октябрдаги МХ-01/07-255-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга татбиқ этилиши келгусида касб-хунар коллежларида меҳнат бозори талаблари асосида қабул квоталарини шакллантириш имконини берган;

касб-хунар таълимининг йўналишлари, мутахассисликлари ва касблари классификатори ҳамда Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторини касблар ва мутахассисликлар мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда интеграциялаш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги ПҚ-3504-сон «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Касб-хунар таълими марказининг 2018 йил 26 октябрдаги МХ-01/07-255-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга татбиқ этилиши натижасида Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторига уйғунлашган янги таҳрирдаги 278 та касблар ва 221 та мутахассисликлардан иборат Касб-хунар таълимининг йўналишлари, мутахассисликлари ва касблари классификатори ишлаб чиқилишига эришилди;

иккинчи ва ундан кейинги касбларни ўрганиш мақсадида банд бўлмаган аҳолини меҳнат бозорида эҳтиёж мавжуд бўлган касбларга ўқитишда касб-хунар коллежлари базасидан самарали фойдаланиш ҳамда шахслар маблағлари ҳисобидан касб-хунар коллежларида тегишли касблар бўйича таълим олишларини кенгайтириш бўйича таклифлар Касб-хунар таълими маркази томонидан 2017 йилда касб-хунар коллежлари базасидан қўшимча фойдаланиш дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Касб-хунар таълими марказининг 2018 йил 26 октябрдаги МХ-01/07-255-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётга татбиқ этиш натижасида шахсларнинг ўз маблағлари ҳисобидан касб-хунар коллежларида тегишли касблар бўйича таълим олишлари кенгайтирилган ҳамда иккинчи ва ундан кейинги касбларни ўрганиш учун 2017 йилда жами 65620 нафар аҳоли ўқишга қабул қилинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрлар рўйхатидаги журналларда 7 та, нуфузли хорижий журналларда 2 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий конференцияларда 4 та маъруза тезис нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 157 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазибалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Меҳнат бозорида касб-хунар маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжни шакллантириш усулларини такомиллаштиришнинг назарий-услубий асослари**», деб номланган биринчи бобда, меҳнат бозорида касб-хунар таълимига эга кадрлар таклифини шакллантиришнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ёритилган, касб-хунар маълумотли кадрларга эҳтиёжни шакллантириш омиллари ҳамда уни таҳлил қилиш усуллари таснифланган, хорижий мамлакатларнинг касб-хунар таълими тизимини ислоҳ қилиш борасидаги тажрибалари ўрганилган ва ундан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасига оид қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда таълим муассасалари битирувчилари ва уларнинг ишга жойлаштиришга оид нормалар мавжуд. Амалиётга мувофиқ таълим муассасалари томонидан юритиладиган ҳисоботларда битирувчи курс ўқувчилари бўйича тегишли статистика органлари ҳамда бошқа ташкилотларга белгиланган шаклларда ахборотлар бериб борилади. Барча битирувчиларнинг билим даражаси бир хил бўлмаганлиги, битирувчиларнинг турли рейтингда бўлиши сабабли ўзлаштириши паст бўлган айрим битирувчилар якуний давлат аттестацияни белгиланган мезонлар асосида топшира олмаслиги натижасида давлат намунасидаги диплом олмайди. Уларга вақтинча диплом ўрнига маълумотнома берилади.


Битирувчиларга иш берувчилар томонидан бериладиган баҳода айнан диплом олган касб-хунар маълумотли битирувчиларга нисбатан ёндашув зарур. Шундан келиб чиқиб, тадқиқотда «касб-хунар маълумотли битирувчи» тушунчасига қуйидагича муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди: касб-хунар маълумотли битирувчи – давлат таълим стандартлари асосида тегишли касб (мутахассислик) бўйича ўқув режаларида кўзда тутилган фанларни тўлиқ ўзлаштирган, таълим дастури якуни асосида якуний давлат аттестациясини муваффақиятли топшириб давлат намунасидаги диплом олган шахс».

Тадқиқотда меҳнат бозорида касб-хунар маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёж турлари аниқланиб, уларнинг ишсизликнинг тегишли турлари билан ўзаро боғлиқлиги кўрсатилган. Диссертация ишида касб-хунар маълумотли кадрларга эҳтиёж ҳудуд ва тармоқдаги бўш иш ўринлари сонида ўз ифодасини топган қониқарсиз талаб сифатида белгиланди.

Ишсизлик билан касб-хунар маълумотли кадрларга эҳтиёж ўртасидаги боғлиқликнинг таҳлили кадрларга эҳтиёж бозор учун ишсизлик сингари,

биринчи навбатда, иш берувчилар манфаатларига дахлдор муҳим ижтимоий-иқтисодий ҳодиса ҳисобланади, деган хулосага келиш имконини берди. Бироқ кадрларга эҳтиёж билан ишсизлик ўртасида бевосита ва билвосита боғлиқликнинг мавжудлиги шундан далолат берадики, кадрларга эҳтиёжнинг муайян турлари даражасини назорат қилиш имкони ишсизликнинг тегишли турларини бартараф этиш усули бўлиши мумкин. Демак, кадрларга эҳтиёж тўғрисидаги прогноз маълумотлари меҳнат бозорини тартибга солиш учун муҳим ахборот манбаи ҳисобланади.

Меҳнат бозорида ишчи кучига бўлган талабга иқтисодий, ижтимоий-демографик, ташкилий-техник, институционал ва ресурс омиллари таъсир кўрсатади (1-расм).



1-расм. Меҳнат бозорида ишчи кучига бўлган талабга таъсир кўрсатувчи омиллар

Манба: расм муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

Ажратилган омиллар гуруҳларининг таъсирини таҳлил қилиш улар меҳнат бозорининг турли даражаларида талаб даражаси ва таркибига қандай таъсир кўрсатишини аниқлаш имконини берди.

Тадқиқотда ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ислоҳ қилиш бўйича хорижий мамлакатларнинг тажрибалари ўрганилган. Бирлашган миллатлар ташкилотининг «Техник ва ҳунар таълими тўғрисида»ги конвенциясига мувофиқ, касбий таълимнинг ҳар бир босқичи алоҳида белгиланиши лозим бўлиб, ўрта касбий таълим (1), ўрта даражадан кейинги касбий таълим (2) ва олий касбий таълим (3) кўринишида ташкил этилиши белгиланган. Касбий таълим бўйича илғор хорижий давлатлар, шу жумладан, Германия, Жанубий Корея, Япония ва Россия Федерациясида таълим тизимларида миллий квалификация доираси амалиёти жорий этилган. Ўрта Осиё давлатларидан фақат Туркменистон ва Ўзбекистон миллий квалификация доирасига ўтмаган.

Тадқиқотда Ўзбекистон Республикасида касб-ҳунар таълимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш, узлуксиз касбий таълим тизимини реал иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига татбиқ этиш мақсадида қуйидагилар таклиф этилган:

1. Касблар ва мутахассисликларнинг мураккаблик даражасидан келиб чиққан ҳолда, таълим дастурлари муддатларини табақалаштириш ҳамда иқтисодиёт тармоқлари учун узлуксиз касбий таълимни ташкил этиш орқали мақсадли кадрлар тайёрлаш тизимини кенгайтириш. Бунда касб-ҳунар таълимининг қуйидаги тизими яратилади:

а) бошланғич касбий таълим: амалдаги тартибга мувофиқ умумтаълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчилари учун ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида ташкил этилади ва битирувчиларга диплом берилади. Бунда 11-йиллик умумий ўрта таълим тизимидан сўнг ихтиёрийлик принципи асосида ўрта касб-ҳунар таълим тизимининг касб-ҳунар коллежларида, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими техникумлари ва олий таълим тизимида таълим олишлари мумкин.

б) ўрта касб-ҳунар таълим: касб-ҳунар коллежларида хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторига мувофиқ ишчи касбларни табақалаштирилган муддатларда тайёрлаш орқали берилади. Бунда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ихтиёрийлик принципи асосида таълимни ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизими техникумлари табақалашган босқичларида давом эттиришлари, ишлаб чиқаришда фаолият юритишлари ёки олий таълим тизимида таълим олишлари мумкин.

в) ўрта махсус, касб-ҳунар таълими: техникумлар кўринишида фаолият юритувчи алоҳида касб-ҳунар коллежларида мутахассисликлар бўйича 2-3 йилга мўлжалланган таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш орқали берилади. Мазкур таълим дастурларини тўлиқ ўзлаштирган битирувчиларга меҳнат бозорида ишлашлари ёки тегишли йўналиш бўйича олий таълим муассасаларининг 2-босқичидан таълимни давом эттириш имкониятлари яратилади.

2. Мавжуд касб-ҳунар коллежларининг бино ва иншоотлари ҳамда моддий-техника базасидан самарали фойдаланган ҳолда йўналишлар бўйича техникумлар кўринишида фаолият юритувчи касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва улардаги кадрлар тайёрлаш жараёнини тегишли олий таълим муассасалари билан ўзаро узвийлик ва узликсизлигини таъминлаш.

3. Касб-ҳунар коллежларида ишчи касблар бўйича кадрларни тайёрлашда муҳим ролни бажарувчи ишлаб чиқариш таълими усталари олий таълим тизимида тайёрланмаслигини инобатга олган ҳолда ташкил этилувчи техникумларда ишлаб чиқариш таълими усталарини тайёрлашга ихтисослашган тизим яратиш.

Диссертациянинг иккинчи боби – **«Меҳнат бозорида касб-ҳунар маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжни шакллантириш ҳолати таҳлили»** деб номланиб, унда ёшлар ишчи кучи таклифи ва меҳнат бозори томонидан унга талабнинг таркибий номувофиқлиги таҳлил қилинган, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларида касб-ҳунар маълумотли кадрларга истиқболдаги эҳтиёжни аниқлаш тартиби таклиф этилган, касб-ҳунар таълим муассасалари ўқувчиларининг касб танлаш тенденциялари, касб-ҳунар таълим муассасалари битирувчиларининг билим ва малакаларини янада яхшилаш учун иш берувчилар томонидан бериладиган таклифларни ўрганиш бўйича ўтказилган сўровнома натижалари келтирилган.

Ўзбекистон Республикасида ёшларнинг касбий-малакавий салоҳиятини такрор ҳосил қилиш ва ушбу салоҳиятдан самарали фойдаланиш ўртасида зиддият юзага келди. Натижада касб-ҳунар таълими тизимида битирувчиларни тайёрлаш соҳасининг иқтисодиёт эҳтиёжларига мос келмаслиги, меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва таклифнинг номуносивблиги, ишчи кадрларни тайёрлашдаги муаммолар, битирувчиларни ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштиришнинг паст даражаси кузатилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича 1997 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида 12 йиллик мажбурий таълимга ўтиш бўйича умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчилари 3 йиллик таълимни давом эттириши учун 1,5 мингдан ортиқ академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари барпо этилди. Бу ташкил этилган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчилари 2012 йилдан бошлаб, тўлиқ камраб олинишига эришилди.

Лекин, мактаб битирувчиларининг меҳнат бозоридаги ўрта махсус маълумотли аниқ касб-ҳунар мутахассисларига реал эҳтиёж инобатга олинмай, касб-ҳунар коллежларига ўқишга қабул қилиш натижасида уларнинг бандлигини таъминлашда қатор муаммолар вужудга келди (1-жадвал).

1-жадвалдан кўринадик, касб-ҳунар коллежларини 2010-2018 йилларда тамомлаган 4120,8 минг нафар битирувчиларнинг 2809,7 минг нафари иш билан таъминланган, яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу иш билан

таъминланганларнинг 1437,6 минг нафари бошқа мутахассисликлар бўйича ишлаб келмоқда.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини битирувчилар ва уларнинг ишга жойлашиш кўрсаткичлари

Йиллар	Касб-хунар коллежларини битирганлар сони	Битирувчилардан ишга жойлашганлар сони		Шундан:		Академик лицейлар битирувчилар сони	Шундан	
				Ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашганлар	Бошқа мутахассислик бўйича ишга жойлашганлар		Олий таълим муассасаларига ўқишга кирганлар сони	Ишга жойлашганлар сони
		сон	%					
2010	400964	320563	79,9	182277	138286	30222	11053	7858
2011	430253	398820	92,7	239292	159528	30977	10906	8054
2012	501477	385700	76,9	235277	150423	36245	13350	9424
2013	408801	396801	97,1	173201	223600	34698	12838	9021
2014	495228	446003	90,1	186616	259387	36591	13329	9514
2015	482598	439003	91,0	252780	186223	36311	10748	9441
2016	477743	424966	89,0	250800	174166	35445	12405	9216
2017	456794	247461	54,2	17117	230344	33412	12761	8687
2018	446783	190501	42,6	173435	17066	32834	13682	8537

Манба: жадвал Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Касб-хунар таълими маркази маълумотлари асосида тузилган.

Бундан ташқари, ҳар йили ўртача 36 мингдан ортиқ ёшлар 144 та академик лицейларни тамомлайди ва уларнинг ўртача 30-35 фоизи олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттиради, қолган 25 мингдан ортиқ ёшлар маълум бир мутахассисликка эга бўлмаганлиги оқибатида ишга жойлашишларида қатор муаммоларга дуч келмоқда.

Фикримизча, ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларини тугатган ва мутахассислиги бўйича иш топа олмаётган ишсиз ёшлар, шунингдек, корхона ва ташкилотларда ишлаётган амалий иш тажрибасига эга ўрта махсус маълумотли номутахассис кадрларни тўлов-контракт асосида меҳнат бозорида эҳтиёж юқори бўлган касбларга касб-хунар коллежлари базасида иккинчи мутахассислик бўйича ўқитишни йўлга қўйиш лозим.

Касб-хунар таълим муассасалари базасида иккинчи мутахассислик касбларига ўқитишнинг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш имконияти ошади: академик лицейларни тамомлаб, олий таълим муассасаларига ўқишга кира олмаган ҳамда олдинги йилларда умумтаълим мактаблари 11-синфларини тамомлаган ва касбга эга бўлмаган ёшларни касбга ўқитиш орқали иш билан бандликни таъминлаш кўрсаткичи ортади; иккинчи мутахассислик олиш орқали битирувчиларни ўз мутахассисликлари бўйича иш билан бандлигини таъминлаш кўрсаткичи ортади; меҳнат бозорида малакали мутахассислар салмоғи ошади; ҳудудларда янги очилаётган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг ўрта махсус маълумотли кадрларга эҳтиёжлари қондирилади.

Иккинчидан, кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш ва ижтимоий муҳитни янада яхшилашга хизмат қилади: республиканинг барча ҳудудларида (айниқса, чекка ҳудудларда) қўшимча таълим хизматларини кенгайтириш имконини яратади; нуфузли касб-ҳунар коллежларида (тиббиёт, темир йўл, банк ва ҳ.к) ўқишга юқори талабнинг пасайишига хизмат қилади; маълум бир муддатдан кейин касбни ўзгартиришга имконият пайдо бўлади; иқтисодиётнинг турли тармоқларига мансуб корхона ва муассасаларда узоқ муддатдан бери ишлаётган, амалий иш тажрибасига эга бўлган, бироқ номутахассис кадрларни ўз мутахассисликлари бўйича қайта ўқитиш имконияти яратилади; ҳудудларда янги корхоналарнинг ишга тушиши билан мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжларни қисқа муддатларда ва етарли миқдорда тайёрлаб бериш имкониятининг юзага келади.

Учинчидан, касб-ҳунар коллежларида моддий-техника базани кучайтириш ва иқтисодий, маънавий муҳитни янада яхшилашга хизмат қилади: касб-ҳунар коллежларининг мавжуд ўқувчи ўрни, ўқув-лаборатория ва замонавий техника билан жиҳозланган устахоналардан фойдаланиш самарадорлиги ортади; касб-ҳунар коллежларида ишлаб топилган бюджетдан ташқари маблағлар коллежнинг моддий-техника базасини янада яхшилаш ва таълим сифатини ошириш имконини беради; таълим муассасасида ўқиётган етим, ногирон ўқувчилар ҳамда кам таъминланган оила фарзандлари, фаолият юритаётган педагог ва ходимларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш учун моддий манба яратилади.

Касб-ҳунар маълумотли кадрларга эҳтиёжни баҳолаш ва прогноз қилишга нисбатан методик ёндашувлар тизимлаштирилган, минтақанинг кадрларга эҳтиёжини прогноз қилиш вазифаларини ҳал этиш учун методикаларнинг турли гуруҳларидан фойдаланишнинг асосий камчилик ва имкониятлари аниқланган.

Тадқиқотда касб-ҳунар маълумотли кадрларга жорий ва истиқболдаги эҳтиёжни аниқлаш тартиби таклиф этилган.

Ҳисоб-китоблар «Parfen» МЧЖнинг маълумотлари асосида амалга оширилди. Жорий йилда фаолият юритаётган корхона ва ташкилотларда иқтисодий ўсиш истиқболи ва ходимларнинг қўнимсизлиги натижасида иш ўринларига эҳтиёж 2-жадвал шаклидан фойдаланиш орқали топилди.

Мазкур жадвал шаклида касб-ҳунар маълумотли кадрларга жорий талаб туман (шаҳар)ларда фаолият юритаётган корхона ва ташкилотларда штат

бирликларига мувофиқ улар учун амалда мавжуд бўлган бўш иш ўринлари орқали (иш ўринлари қисқаришисиз ходимларнинг табиий ишдан бўшаши билан бирга) аниқланди.

Одатда, ходимларнинг пенсия ёшига етиши, касаллиги (ногиронлик), ўлими, бошқа жойларга кўчиши (миграция) туфайли табиий ишдан кетиш даражаси корхонада ўртача рўйхатдаги ишчилар сонининг 2-3 фоизини ташкил этади.

Ходимларнинг ишдан бўшаши бўйича истиқболли кўрсаткични аниқлаш учун аввал корхонада келгуси йиллар учун умумий штат бирликлари сонини топиш зарур. Бунинг учун, сўнгги йилларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизматлар ҳажмининг 1 фоизга (таққослама баҳоларда ёки жорий нархларда) кўпайиши натижасида ишловчилар сонининг ортиш коэффициенти ўзгармас ҳолда қуйидагича аниқланади:

$$(4\text{-уст}(2.1\text{-сатр}) - 100) / (4\text{-уст}(1.1\text{-сатр}) - 100) * 100\% = 4\text{-уст}(3\text{-сатр})$$

Амалиётда моддий ишлаб чиқариш тармоқлари ва корхоналарида олдинги йилга нисбатан ҳар бир ишлаб чиқарилган маҳсулот (хизматлар) ҳажмининг 1 фоизга ортиши ишчилар сонининг ўртача 0,2-0,5 фоизга кўпайиши билан белгиланади.

2-жадвалнинг 1-сатри 6-10-устунларида акс этган ишлаб чиқариш (хизматлар) ҳажмининг истиқболдаги ўсиш суръатлари корхонада ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш режаларига биноан белгиланади.

Ушбу жадвалнинг 2-сатри 6-10 устунларида акс этган корхонада келгуси йиллар учун кўзда тутилган штат бирликлари сони юқорида қайд этилган 1 % иқтисодий ўсиш натижасида иш ўринларининг ортиш коэффициентидан фойдаланиш орқали топилди.

2-сатр 6-устунни топиш учун, кейинги йилга ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) ҳажмининг ўсиш суръати иш ўринлари ортиши коэффициентига кўпайтирилади ва олинган натижа ўтган йилги штат бирликлари сонига кўпайтирилади, буни формулада қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$(6\text{-уст}(1.1\text{-сатр}) - 100) * 4\text{-уст}(3\text{-сатр}) * 4\text{-уст}(2\text{-сатр}) / 100 + 4\text{-уст}(2\text{-сатр}) = 6\text{-уст}(2\text{-сатр})$$

2-сатр 7-устунни аниқлаш учун мазкур жараён энди 2-йилнинг истиқбол даври ва 1-йилга топилган штат бирликлари кўшишилади, бу қуйидаги кўринишда бўлади:

$$(7\text{-уст}(1.1\text{-сатр}) - 100) * 4\text{-уст}(3\text{-сатр}) * 6\text{-уст}(2\text{-сатр}) / 100 + 6\text{-уст}(2\text{-сатр}) = 7\text{-уст}(2\text{-сатр})$$

Корхонада қолган истиқболдаги йиллар учун ҳам штат бирликлари сонини аниқлаш бўйича ҳисоб-китоблар келтирилган кетма-кетликда такрорланади, яъни келгуси йиллар учун белгиланган ишлаб чиқариш (хизмат)лар ҳажмининг истиқболдаги ўсиш суръатлари иш ўринлари ортиши коэффициенти ва ўтган йил учун аниқланган штат бирликлари сонига кўпайтирилади ва кўшилади.

2-жадвал

«Parfen» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхонасида иқтисодий ўсиш истиқболи ва ходимларнинг кўнимсизлиги натижасида иш ўринларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш ҳисоб-китоби

Т/р	Кўрсаткичлар	Ҳисобот					2013-2017 йилларда ўртача	Прогноз				
		2013й.	2014й.	2015й.	2016й.	2017й.		2018й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
A	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
1.	Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажми, минг сўм	24991,2	25566,6	28455,6	32755,6	33763,8	29106,6	34810,5	40275,7	45310,2	52695,7	63339,1
1.1	ўсиш суръати, %да	103,1	102,3	111,3	115,1	103,1	107,0	119,6	115,7	112,5	116,3	120,2
2.	Рўйхатдаги штат бирликлари сони	301	303	309	312	321	309	343	362	378	400	428
2.1	ўсиш суръати, %да	100,9	100,7	102,0	101,0	102,9	101,5	106,9	105,5	104,4	105,7	107,1
3.	1% иқтисодий ўсиш натижасида иш ўринларининг ўсиш коэффициенти	0,3	0,3	0,2	0,1	0,9	0,4	0,2=const				
4.	Иқтисодий ўсиш натижасида ходимларга бўлган кўшимча эҳтиёж миқдори	x	2	6	3	9	5	22	19	16	22	28
5.	Умумий штат бирликларининг таркиби	301	303	309	312	321	309	343	362	378	400	428
5.1	олий маълумот талаб қиладиганлар штатлар сони	41	41	42	44	45	42,6	47	49	51	55	58
	% ҳисобида	13,6	13,5	13,6	14,1	14,0	13,8	13,8=const				
a	кўшимча эҳтиёж бўйича штат бирликлари сони	x	0	1	2	1	1	2	2	2	4	3
5.2	олий маълумот талаб қилмайдиганлар штатлар сони	260	262	267	268	276	267	296	313	327	345	370
	% ҳисобида	86,4	86,5	86,4	85,9	86,0	86,4	86,4=const				
a	кўшимча эҳтиёж бўйича штат бирликлари сони	x	2	5	1	8	4	20	17	14	18	25
6.	Ишдан кетган ходимлар ва бўш штат бирликлари сони (штат бирликлари сақланган ҳолда)	18	11	18	25	29	20	22	24	25	26	28
a	умумий штат бирлигидаги улуши, %да	6,0	3,6	5,8	8,0	9,0	6,5	6,5=const				
6.1	олий маълумотлилари	8	3	8	11	12	8,4	3	3	3	4	4
a	Ишдан кетган ходимлар таркибидаги улуши, %да	44,4	27,3	44,4	44,0	41,4	40,3	40,3=const				
6.2	олий маълумотга эга бўлмаганлар	10	8	10	14	17	11,8	19	20	21	22	24
a	Ишдан кетган ходимлар таркибидаги улуши, %да	55,6	72,7	55,6	56,0	58,6	59,7	59,7=const				
7.	Жами кадрларга талаб, шу жумладан:	18	11	18	28	38	22,6	44	42	40	48	56
7.1	олий маълумотлилар	8	3	8	13	13	9	5	5	5	8	7
7.2	олий маълумотга эга бўлмаганлар	10	8	10	15	25	14	39	37	35	40	49

Манба: жадвалдаги кўрсаткичлари муаллиф томонидан корхона маълумотлари асосида ҳисобланган.

Ҳар бир корхона учун кўзда тутилган умумий штат бирликларининг истиқболдаги сони аниқлангач, улар бир биридан кетма-кетликда айрилади ва иқтисодий ўсиш натижасида ходимларга қўшимча эҳтиёж аниқланади (2-жадвалнинг 4-сатри 6-10-устунларига қ-нг). Малака даражасидан қатъий назар табиий равишда ишдан кетган ходимларнинг истиқбол кўрсаткичини аниқлаш учун сўнги йилларда уларнинг ўртача рўйхатдаги ишчилар сонига улуши аниқланади ва ўзгармас қилиб белгиланади (6а-сатр (5-устун)га қ-нг). Сўнгра истиқболдаги йиллар учун юқорида аниқланган штат бирликлар сонига бирма-бир кўпайтирилади (6-сатр (6-10 устунлар)га қ-нг).

Корхонада олий маълумот талаб қилмайдиган, яъни ўрта махсус малакали ходимларга эҳтиёжни аниқлаш учун уларнинг жорий йилдаги умумий штат бирликлари сони ҳамда кетган ходимлар сонига улуши топилади (5-устун (5.2- ҳамда 6.2- сатрлар)га қ-нг). Ушбу улушлар ўзгармас қилиб белгиланади ҳамда юқорида иқтисодий ўсиш ва ходимларнинг кетиши натижасида келгуси йилларга аниқланган эҳтиёжларга мос равишда кўпайтириб топилади ҳамда бир бирига қўшилади (6-10-устун (5.2а, 6.2а ҳамда 7.2-сатрлар)га қ-нг).

2-жадвалга кўра корхонада жорий ва келгуси йиллар учун касб-ҳунар маълумотли кадрларга истиқболдаги жами талаб иқтисодий ўсиш ҳамда ходимларнинг қўнимсизлиги сингари сабаблар орқали топилгач, 2-жадвал шаклига биноан уларнинг касб-малака таркиби жиҳатидан ҳам параметрлари аниқланиши лозим.

Йил охирига корхонада штат бирликлари бўйича олий маълумот талаб қилинмайдиган ишчиларнинг таркиби ва лавозимлари алоҳида қайд этилади ҳамда ҳар бирининг улуши топилади. Шунингдек, ҳар бир лавозим бўйича касб-ҳунар маълумотли кадрларга жорий эҳтиёж бўш иш ўринлари билан ифодаланса, келгуси давр учун кўйидагича аниқланади:

2-жадвалда ходимлар қўнимсизлиги оқибатида банд бўлмаган иш ўринлари ҳамда иқтисодий ўсиш натижасида қўшимча иш ўринлари яратиш бўйича келгуси йиллар учун аниқланган эҳтиёж кўрсаткичлари (5.2а, 6.2а сатрлар) 2-жадвалнинг йиғма сатридаги йиллар бўйича мос устунларда акс эттирилади (25-сатр 6-7-, 9-10-, 12-13-устунлар ва х.);

корхонада ҳар бир техник, хизмат кўрсатувчи ва ёрдамчи кадрларга эҳтиёжни белгилаш учун 2-жадвалнинг йиғма сатридаги ходимларнинг табиий кетиши ва иқтисодий ўсиш юзасидан келтирилган умумий кўрсаткичлар жорий йилда штат бирликлари бўйича маълумот талаб қилмайдиган лавозимлардаги ишчилар сони бўйича аниқланган улушларга мос равишда кўпайтирилади.

Йиғма жадвални шакллантириш жараёнида фақатгина амалда иқтисодиёт тармоқларида фаолият юритаётган корхона, ташкилот, муассасаларда касб-ҳунар маълумотли кадрларга жорий ва истиқболдаги эҳтиёжни аниқлаш ҳисобга олинмай, балки келгуси йилларда янги ташкил этилиши мўлжалланаётган ва истиқболлаштирилаётган ишлаб чиқариш, ноишлаб чиқариш, давлат, нодавлат субъектлари, тижорат ҳамда нотижорат ташкилотлари ва уларга зарур малакали мутахассислар ҳам инобатга олинishi лозим.

